

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVIII СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КИШЛОК ХАЖИКАТИ

1990 йил, 14 июль
ШАНБА
№ 160 (4.953).
БАҲОСИ 3 ТИЙИН.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 13 июльда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишлари давом эттириди.

Эрталабки мажлис бошланишидан олдин партия марказий раҳбар органларига сайлов юзасидан овоз берилди.

Соат 11 да ялпи мажлисни М. С. Горбачев очди. Делегатлар съезд ишлари олдин бегиланган муддатга қўшимча бир кун узайтириб, уни 13 июль ку-

ни тугаллаш тўғрисида М. С. Горбачев киритган таклиф қўшилди.


Шундан сўнг мажлисга А. И. Лукьянов раислик қилди.

Делегатлар комиссия томонидан тақдим этилган КПСС Устави лойиҳасига тузатишларни батафсил кўриб чиқилди. Ҳужжатнинг айрим моддалари баёнига ўзил-кесил аниқлик киритилгандан сўнг съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставини умуман тасдиқлади.

Сўнгра съезд КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлади.

КПСС XXVIII съезди алоҳида қарор қабул қилиб, барча делегатларга съезд ғояларини ва қарорларини тарғиб этиш ва уни амалга оширишда фаол қатнашишни топширди.

Сўнгра Съезд «КПСС оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.




Владимир Антонович ИВАШКО

1932 йилда Полтава шаҳрида туғилган. Миллати — украин. 1960 йилдан КПСС аъзоси. Иқтисод фанлари номзоди, доцент. Харьков кончилик институтини тугатган.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилдан бошлаган. Харьков шаҳридаги олий ўқув юрталарида ўқитувчилик қилган, институт партия комитетининг котиби лавозимига сайланган. 1973 йилдан бошлаб Харьков вилоят партия комитетининг бўлим мудири, котиби, 1986 йилдан — Украина Компартияси Марказий Комитетининг котиби, 1987 йилдан — Днепрпетровск вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1988 йилдан — Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби, 1989 йил сентябрда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган. 1990 йил июль ойидан — Украина ССР Олий Советининг Раиси.

1986-1989 йилларда КПСС Марказий Комитети аъзоллигига номзод бўлган. 1989 йил апрелдан —



Борис Карлович ПУГО

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. 1989 йил декабрдан — КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси.

1990 йил 11 июль куни КПСС XXVIII съездида муқобиллик асосида КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари этиб сайланди.

СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Давлат муқофотлари билан тақдирланган.

Деҳқонларнинг аҳволи ва КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш тўғрисида

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

1. Съезд айтидики, деҳқонларнинг аҳволини тубдан яхшилаш, қишлоқнинг бутун тадирини ўзгартирмай, КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленумида ишлаб чиқилган аграр сиёсатини оғишмасдан ва ичкилик билан амалга оширмай туриб, жамиятни революцион асосда қайта қуриш, озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги миллий даромаднинг қорак қисмидан кўпрогини яратди, унинг маҳсулотидан халқ истеъмоли молларини учдан икки қисмидан кўпроги, озиқ-овқат маҳсулотларининг деярли ҳаммаси тайёрланади.

Аммо кейинги вақтда қишлоқда иқтисодий-иқтисодий аҳвол яхшилик томон ўзгармади. Маблағларни ниҳоятда кўп миқдорда тортиб олиш давом этмоқда, иқтисодий истеъмоладан фонди сениклик билан ўсмоқда. Уй-жой, мактаб, касалхона, маданий-маиший объектлар етишмайвор. Ўлсизлик, савдоннинг қашшоқлиги, посёлкаларнинг ноободлиги одамлар ҳаётини мушкуллаштираётган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий-техника таъминоти ёмонлашди. Қолқоз ва совхозлар, қайта ишлаш санаети корхоналари асосий ишлаб чиқариш фондларининг ярми жисмонан эскирган ва янгиланишни талаб қилади.

Мамлакатнинг кўпгина регионларида қишлоқ шу қадар дармонсизлашиб қолдики, унинг ўзи давлатнинг бақувват мададисида жамият унинг олдида қўйган вазифалар даражасига кўтарила олмайд.

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқараётган корхоналарнинг яқна ҳоқимлиги ва бевосита иқтисодий таъини кучайди, қишлоқ хўжалиги ва санает маҳсулотларини нотенг асосда айирбўлаш қарор топди. Аграрноат комплексиде кераксиз қайта қуришлар давом этаётган.

Қишлоқ учун устуллик яратин йўли КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматининг ташкилотчилик иши билан мустақамланмаган ва ҳаётда реал амалга оширилмаётган.

2. Съезд озиқ-овқат муаммосининг амалда ҳал этилиши жамиятда деҳқонларнинг иқтисодий-иқтисодий мақсатга бевосита довланиб, деб ҳисоблайди.

КПСС деҳқонларнинг мафратларини ҳўмон қилишни ўз сиёсий ишнинг марказига қўйиб, унинг ер ва ўз меҳнати натижаларининг ҳақини хўжайини сифатида қарор топшишга фаол ёрдам беради. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожлантириш, деҳқонларнинг ерга эгаллик қилиш, хўжаликни юртиш усулини ихтиёрлик асосида танлаш ҳўқуқини мустақамлаш, қолқозлар, совхозлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий хўжаликларга, ижарачи колхотларга тўла мустақилликни ва тенг иқтисодий шароитларни таъминлашда ёрдам бериш, ҳар бир меҳнаткашга шахсий меҳнат ҳўссасини ҳўсбга олган ҳўлда

коллектив мулкка эгаллик қилишда шерик бўлиш имкониятини бериш керак.

3. Съезд ўн учинчи беш йилликда 1991 йилдан бошлаб қишлоқларнинг комплекс ривожланишини таъминлайдиган даражада давлат капитал маблағларини, қурилиш-монтаж ишлари ва материал ресурслар лимитларини анча кўпайтириш, мамлакат аҳолиси талабларини қондираётган ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг қатъий тарафдори эканлигини билдиради. Уй-жой, касалхона, мактаб, йўл, сув ва газ таъминоти объектлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва маҳсулот саклаш базалари қурилишига, ерларни самарали мелорация қилишга алоҳида эътибор берилади. Россиянинг Ноқоратупроқ зонасини, Оролин ва экологик фалокат рўй берган бошқа районларни қайта тиклаш, Чернобыль ҳалокати оқибатларини бартараф этиш юзасидан махсус давлат программалари қабул қилинишини зарур деб ҳисоблайди.

Съезд озиқ-овқат вазифаларини ҳал этишда шаҳар билан қишлоқ куч-гайратларини бирлаштириш, йирик шаҳар ва санает марказлари теваригида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган ихтисослашган зоналар ташкил этиш зарурлигини таъкидлайди. Қишлоқда ишлаш учун доимий кўчиб бориш истагини билдирган шаҳар аҳолиси учун имтиёзлар белгиланади.

Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш корхоналарини ва халқ хўнарамдчиликни, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, улар учун замонавий ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида кунт билади иш олиб борилсин.

Съезд деҳқонларга нисбатан бирор зуравонлик ишлатилишига, уларнинг мафратлари камситилишига қарши чиқиб, шаҳар билан қишлоқнинг иқтисодий тенглиги тарафдори, қишлоқда давлат маблағлари ҳўсбиде инфра-структура яратин тарафдори эканлигини билдиради.

4. Съезд озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини бозорига босқинча-босқинч Утиш принципини, давлат бюортомасининг ресурслар билан кафолатли таъминланишини қўллаб-қувватлайди, шаҳар билан қишлоқ, санает билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги иқтисодий муносабатларда тенгликка қатъий рион қилиш, аграрноат комплекс корхоналари ва хўжаликларининг қарзларидан тамомла кечини, улар учун молиявий имтиёзлар, дотациялар, субсидиялар бериш системаларини ишлаб чиқиш, маҳсулот етказиб берувчилар яқна ҳўқимли-

ғини бартараф этиш, ишлаб чиқариш воситалари бозорини ажулда келтириш тарафдоридир.

5. Съезд аграр фаннинг самарали ривожланиши, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш, асосли ва амалий энг муҳим илмий тадқиқотларга устул даражада маблағ акратиш, ватан ва чет элнинг илгор тақрибасидан кенг фойдаланиш, хўжалик ва корхона раҳбарлари ва мутахассисларини, ижарачилар, фермерларни, оммавий касбдаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда туб ўзгаришлар қилинишининг тарафдоридир.

6. Съезд шунни тасдиқлайдики, аграрноат комплексини бошқариш системаси маҳсулот етиштирувчиларнинг ихтиёрий қарорига бивон уларнинг мафратларини қўллаб қурилиши керак. Давлат вазифаларини таъминлаш, аграрноат комплекс фаолиятининг ҳўқуқий нормаларига рион қилиш, етказиб чиқаришнинг ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш учун қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат министрлигини, Тракторноатли ва қишлоқ хўжалик машинаноатли министрлигини моддий-техника таъминоти ва аграрноат комплексига хизмат кўрсатиш системаларини тузиш зарур. Уларнинг фаолиятига баҳо бериш аграрноат комплекс ишнинг пировад натижалари билан боғлианиш лозим.

7. Съезд оммавий-иқтисодий-сиёсий ташкилот — СССР Деҳқонлар уюшмаси тузилишини қўллаб-қувватлайди, бу уюшманинг деҳқонлар билан ишчилар синфи, зиёлилар, жамиятдаги барча кучларни озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш мафратларини қўллаб жипслаштириш йўлини маъқуллайди.

Съезд партия ташкилотларини халқ депутатлари Советлари, касабга уюшмалари, номсомол ва бошқа жамоат ҳаракатлари билан бирликтида қишлоқнинг иқтисодий қайта қурилишига, олинган маънавий ва ахлоқий ривожланишига, қишлоқнинг ўзига хос турмуш тарзини тикланишига фаол ёрдам беришга даъват этади. Қишлоқ аҳолисининг соғлиғи, таълимий ҳақида ва маданий эҳтиёлларини қондириш ҳақида ҳамхўрлик қилишни партия ўз фаолияти марказига қўйсин. Бу ишга шаҳарлардаги интеллектуал ва ижодий имкониятларни жалб этиш зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съезди оммавий ахборот воситалари ходимларига мувожаат қилиб, мамлакат бутун халқ хўжалик комплексининг қишлоқни юксалтиришдаги иштироки нақадар муҳимлигини очиб беришга, хўжалик юртишнинг турли шакллари тақрибасини кенг тарғиб қилишга, деҳқонлар меҳнати аҳамиятини оширишга ва жамиятда бу меҳнат обрўсини қарор топтиришга даъват этади.

1937 йил 19 февралда Калинин шаҳрида туғилган. Миллати — латш. 1960 йилда Рига политехника институтини тугатган, 1963 йилдан КПСС аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Рига электр машина-созлиги заводига инженерликдан бошлаган.

1961 йилдан буён комсомол ва партия ишида ишлаб келмоқда: завод комсомол комитетининг котиби, Рига шаҳар Пролетар район комсомол комитетининг дастлаб иккинчи, кейин биринчи котиби, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ташкилотчиси, сектор мудири.

Рига шаҳар партия комитетининг бўлим бошлиғи, Латвия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби, ВЛКСМ Марказий Комитетининг котиби. 1974 йилда КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлган. Кейин Латвия Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири, Рига шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган.

1976 йилда давлат хавфсизлиги органларида, 1977 йилдан Латвия ССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари, 1980 йилдан эса шу комитет раиси бўлиб ишлаган.

1984 йилдан — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил сентябрь



Пленумида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия назорати комитетининг раиси этиб тасдиқланган.

1986 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС XXV, XXVI, XXVII съездларининг ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегати. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябр Пленумида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига номзод этиб сайланган.

СССР халқ депутати, Давлат муқофотлари билан тақдирланган.

1990 йил 11 июль куни КПСС XXVIII съездида муқобиллик асосида КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси этиб сайланди.

КПСС АНЖУМАНИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашкин совет ва чет эл журналистлари билан учрашуви унинг биринчи амалий иши бўлди, дейиш мумкин. Бу учрашув 12 июль куни коммунистлар анжуманида унинг мана шу юқори партиявий лавозимга сайланганлиги эълон қилинганидан кейин орадан икки соат ўтгач, XXVIII съездининг Матбуот марказида бўлиб ўтди.

Меъна съездимиз кун сайин ишдаги амалий руҳини ошириб, партияимиз тарихида ҳам, ҳозирги вазиятда ҳам принципал янги, ижодий ҳужжатлар қабул қила бошлайди, деган қатъий ишонч ҳўсал бўлди, деди

кириш сўзида Владимир Антонович. Съездда жуда хилма-хил фикрлар айтилмоқда, албатта, аммо мен буни партидаги ютуқ, деб қайта қуришнинг шарофатларидан бири, деб ҳўсблайман. Меъна назаримда, матбуотда партияни радикаллар ва консерваторларга бўлишга бироз ортиқча ургу берилмоқда. Бутун жамиятда бўлган каби партияда ва, табиийки, съездда ҳам, дарҳақиқат, консервативроқ кайфиятдаги баъзи кишилар бор. Бошқа — аначгина либерал кучлар ҳам бор, деган фикрдан, аммо булар партиядаги кучларнинг икки чеккаси. Бу чеккалар

(Давоми учинчи бетда).

ПАРТИЯ ТУРМУШИНING ҚОНУНИ

12 июль куни КПСС XXVIII съездининг эрталабки мажлиси мунозарани талаб қилмайдиган иш билан бошланди. Раислик қилувчи А. И. Лукьянов съезд санақ комиссиясининг раиси И. Н. Тутулова сўз берди, у бир кун олдин кечкуну бўлиб ўтган партиянинг раҳбар органларига муқобиллик асосидаги сайлов натижаларини эълон қилди.

У КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг аъзосини яшрин овоз бериш йўли билан сайлаш учун бюллетенга А. С. Дудирев, В. А. Ивашко, Е. К. Лигачев номзодлари киритилганлигини айтиди. Овозлар кўйидаги тақсимланди: А. С. Дудиревни ёқлаб 150 киши, қарши — 4268 киши, В. А. Ивашко — 3109 киши, қарши — 1309 киши, Е. К. Лигачевни ёқлаб 776 киши, қарши — 3642 киши овоз берди.

Шундан қилиб съезд КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари,

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб Владимир Антонович Ивашкога сайлади.

Делегатлар санақ комиссиясининг протоколини тасдиқлади.

КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси, Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзоси сайлови ҳам худди шу каби муқобиллик асосида ўтди. Бу лавозимга В. А. Прохоров билан Б. К. Пуго номзодлари кўрсатилди, уларнинг номи яшрин овоз бериш учун бюллетенга киритилган эди. Овоз бериш натижалари кўйидагича: В. А. Прохоровни ёқлаб 302 киши, қарши — 4131 киши, Б. К. Пугонин ёқлаб — 3959 киши, қарши 474 киши овоз берди.

Натижада Борис Карлович Пуго КПСС Марказий назорат комиссиясининг раиси, Марказий назорат комиссияси президиумининг аъзоси этиб сайланди.

Съезд санақ комиссиясининг протоколини тасдиқлади.

Санақ комиссиясининг раиси овоз бериш натижаларига кўра ҳар икки сайловда ҳам беш бюллетен ҳақини эмас деб топилганлигини маълум қилди.

Съездининг иш тартибига ва кун тартибига мувофиқ делегатлар КПСС Устави лойиҳаси тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирдилар. Устав лойиҳаси комиссияси номидан ахборот бериш учун М. С. Горбачевга сўз берилди.

Хурматли делегат ўртоқлар, деди у. Сизларга таққослаш ва қиёслаш имконини бериш учун мен шовилмай маъруза қиламан. Комиссия партия XXVIII съезди ҳужжатлари орасида КПСС Устави жуда муҳим ўрни тутади, деб ҳисоблайди ва, назаримда, сиз билан биз ҳаммамиз шундай деб ҳисоблаймиз. Сизларга маълумки, янги Устав лойиҳаси узоқ вақт давомида тайёрланди. Умумхалқ муҳокама-си учун у уч ойдан олдинроқ эълон қилинган эди ва дарҳол қизгин мунозаралар сабаб бўлди. Лойиҳа ўтган барча партия ҳўсбот-сай-

лов йиғилишларида ва конференцияларида муҳокама қилинди.

Эслатиб ўтаман, фақат КПСС Марказий Комитетининг ўзига лойиҳа юзасидан 200 мингдан ортиқ таклиф, шунингдек, Уставнинг 50 тадан кўпроқ муқобил лойиҳаси тушди. Улар орасида КПССдаги Демократик платформа, Марксистик платформа ҳамда партияимизни ислох қилишнинг йўллари тўғрисида турли фикрларни билдираётган бошқа гуруҳларнинг лойиҳалари бор эди. Съездга тайёргарлик чоғида комиссия ўз ишида делегатларнинг натта кўчлигини иштирокида ана шу лойиҳаларнинг ҳар бирини, таклифларини таҳлил этиди, ҳўсбга олди. Съезд олдида барча муҳокамалар ва киритилган тузатишларни (улар эса 120 тадан кўпроқ эди) ҳўсбга олиб ишлаб чиқилган Устав лойиҳаси марказий матбуотда яна эълон қилинди. Съездимиз иш давомида ана шу лойиҳага делегатлардан яна ҳам ёзма равишда, ҳам нутқларда минглаб мулохаазалар айтилди. Ҳаммаси бўлиб

съезд делегатларидан 500 тадан кўпроқ ҳужжат олинди, уларда 6 мингта яқин таклиф ва мулохаазалар бор.

Уставнинг яна еттига муқобил лойиҳаси тушди. Умуман Устав лойиҳаси юзасидан делегатларнинг деярли тўртдан бир қисми ўз мулоҳазаларини айтиди. Бундан ташқари съезд номига Устав лойиҳасига тузатишлар, қўшимчалар таклиф этилган юздан ортиқ телеграмма келди.

Съезд тузган комиссия ана шу жуда кўп материалларни ўрганиб чиқишига тўғри келди. Единогласно бўла 9 июлда партия Уставининг лойиҳаси съезд томонидан асос учун қабул қилинган эди. Комиссияда биз бунни лойиҳанинг давр талабига ҳамоҳанглигининг, у партияни янгиллаш вазифаларини ҳал этишга қаратилганлигини тасдиғиб деб биланми.

Комиссияда иш олиб бораётган комиссиянинг кўчлигини партия ички муносабатларини партияни кенг демократиялашнинг унинг уюшганлиги ва иш қо-

билияти ўсиши билан бирлаштиридан қилиб қайта қуриш тарафдори эканлигига ишонч ҳўсал қилдик.

Улар ҳозир бизга кучли ва жипслашган ташкилот ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлигини таъкидламоқдалар. Коммунистлар ҳамма нарсани олдиндан белгилаб ва таққослаб қўйишдан воз кечиниш, партия аъзолари мустақил ижод этишлари учун, янги сиёсий тафаккур ва дадил амалий ҳаракатлар учун мумкин қадар кўпроқ имконият яратиб беришни қатъий талаб қилмоқдалар. Устав лойиҳасининг асосий йўналишини мана шундайди.

Шу билан бирга комиссия лойиҳанинг Устави тарғиб ҳам замонавийлаштиришга, унда КПССни демократиялаш ва ташкилий жиҳатдан мустақамлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган таъиний мулохаазалар билдирилган қондаларни батафсил ўрганиб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон—Қирғизистон: ХАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕРАК

КПСС XXVIII съезди иш олиб бораётган кўларда Ўзбекистон ва Қирғизистон делегатлари гуруҳларининг учрашуви бўлиб ўтди. Жумҳуриятларнинг раҳбарлари: И. А. Каримов ва А. М. Масалиев ўш виллоятда рўй берган маълум воқеалар муносабати билан минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича партия, совет ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари кўраётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот бердилар. И. А. Каримов Андижон вилояти билан чегарадош бир қатор ноҳиялардаги аҳолидан, аҳолининг нормал ҳаёт кечиришини таъминлаш соҳасида қатъий билан иш қилимаётганлиги ҳамда қабул қилинган чора-тадбирлар ярим-ёрти эканлигини жиддий таъминлашни вужудга келаллигини илҳор этди.

Ўзбекистон ССР раҳбарияти,

деди у, содир бўлган жоғоро, энг аввало, қардош жумҳуриятнинг ички иши, деб ҳисоблайди. Айна пайта мазкур воқеалар бутун Фарғона водийсидаги вазиятни беқарорлаштирди.

А. М. Масалиев жумҳурият раҳбарияти номидан вазиятни нормаллаштириш бўйича қатъий ва аниқ-равшан қадамлар қўйилади, деб ишонтирди.

Учрашув қатнашчилари кескинликни юмшатиш, аҳолини байналмилал рўхда тарбиялашни кучайтириш, иштиросий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бундан бунгги ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун бир қатор чора-тадбирларни белгиладилар.

Учрашувда мамлакат Президентлик кенгашининг аъзоси Ч. Айтматов иштирок этди.

